

Мұғаллим ҳәм үзликсіз билимлөндіриў



ISSN 2181-7138

№ 5/3 - 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсат АЙЫМБЕТОВ
Нагмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ
Тұлқин АЛЛАЁРОВ
Уміда БАХАДІРОВА
Фархад БАБАШЕВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Аскарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбай МИРСАНОВ
Бахтиёр РАХИМОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Барлықбай ПРЕНОВ
Қаҳхор ТУРСУНОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Саодат ТОШТЕМИРОВА
Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Ризамат ШОДИЕВ
Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Дустназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсөр ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:

Карақалпақстан Республикасы
Халық билимлөндіриў
Министрлігі, ОЗПИИ
Карақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы

Министрлөр Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарапы менен
дизимге альнды

Карақалпақстан Баспа сөз ҳәм

хабар агентлиги тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
альнды №01-044-санлы гүұалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жоғар қайтарылмайды, журналда жөрнілген мақалалардан алынған үзиндер «Мұғаллим ҳәм үзликсіз билимлөндіриў» журналынан альнды, деп корсетилүү шарт. Журналға 5-6 бет көлеміндеги материалдар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтінде электрон версиясы менен бирге қабыл етіледі. Мақалада көзтірілген мәлдімнелер автор жауапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲЭМ ӘДЕБИЯТ

- Темирбекова А.О. Из истории исследования междометий 4

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Примбетов Қ.Т. Коракалпогистоидаги архитектура ёдгорликлари ва миллий мерослар оркали талабаларий маънавий-ахлоқий тарбиялашшиг аҳамияти	13
Kadirova Sh.A. Bo'lajak mutaxassislarni kasbiy faoliyatga tayyorlashda kompetentliyo'naltirilgan texnologiyalardan foydalанишning nazariy aspektlari	16
Исагалиева С. Ўқувчилар функционал саводхонлигини шакллантириш педагогик муаммо сифатида	19
Султаниязов М.Б. Глобаллашув жараёнида юксак маънавиятли шахс тарбиясида миллий тарбия имкониятларидан фойдаланиш йўллари	22
Karamatova D.S. Zamoniaviy ekologik ta'lim mazmunida integrativ yondashuvni ta'minlash ..	26
Муродова У.Д. Педагогикада дидактиканиң асосий категориялари	30
Султаниязов М.Б. Глобаллашув жараёнида юксак маънавиятни талаба-ёшлар онгига сингидириппнинг педагогик технологиялари	33
Mirxali洛va N.A. TIMSS xalqaro taddiqoti va uning ahamiyati	36
Курбанова А.Т. Талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантирища ахборот технологияларининг ўрни	40
Мирзаева Н.А. Рақобатбардош педагог - биологларни тайёрлашда STEAM таълимиминг долларблиги	44
Quzmanova G.B. Ijtimoiy tarmoqlarning o'smir yoshidagi o'quvchilarining ijtimoiylashish jarayoniga ta'siri	49
Умаров А.С. “Бадий таълим ва Art marketing” жараёнини бошқариша кластер ёндашувнинг аҳамияти	52
Халияров Ж.Х. Мактаб ўқувчиларда энергия тежамкорлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш методикаси	58
Бердиев Б.Р. Конвенционал ёндашув асосида талабаларда мустакил таълимим ташкил этипи ва унинг самарадорлик натижалари	62
Qosimova G.I. Ta'llimi ni raqamlashtirish va o'qituvchilarining kasbiy tayyorlarligi bo'yicha o'quv qo'llanmasini loyihalash tamoyillari	70
Матиқубов К.К. Технологик таълимиминг ривожланиш тадрижи: зарурат ва эҳтиёж ҳам тадқиқ	73
Bekqulov Q.Sh. Chizma geometriya fanini talabalarga o'rgatishda intigratsiyani qo'lab dars samaradorligini oshrish	78
Dijumaeva M.M. Markaziy Osyo mutaffakirlarining tabiiy fanlarni rivojlanishdagi xizmatlari ..	82
Матиқубов К.К. Мактабларда технологик таълимни ташкил қилиш ва бошқаришининг педагогик тамоийлари	88
Абдухаликова М. Использование информационных технологий и медиаобразования в профессиональной компетентности педагогов	95
Шамиева О.Р. Формирование личности современного студента – важнейшая задача высшей школы	98
Шарахматова А.К. Адаптация студентов к кредитно-модульной системе обучения	100

Примбетов К.Т. Эффективная организация духовно-нравственного воспитания студентов	103
Oromiddinov S.B. Problems of the practical application of innovative educational technologies	105

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӨМ РУЎХЫЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Рахматова Ф.А. Шарқ мутафаккирлари асарларидаги ёш-авлодда мустақиллик, миллий онг, миллий мағкура, миллий тафаккур гояларининг акс этиши	109
--	-----

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Jumayev S.Z. Molekulyar biologiyani o'qitishda masala va mashqlardan talabalarning o'quv ijodiy faoliyatini tashkil etishda foydalanimish	113
Усмонова М.Д. Рақамли таълим трансформация шароитида кимё таълим мини модернизациялаш имкониятлари	118
Ахмедова У.Ё. Информатика машгулоттарида муаммоли вазиятларни яратиш	120
Narbayev A.B. Umumta'lim maktablarida astronomiya fanining mediatra'limg bilan integratsiyasi	125
Худойкулов Р.Қ. Олий талим муассасаларидаги инновацион ёндашувлар асосида "Курилиш физикаси" фанини ўқиттишда технологик компетентликни шакллантириш методикаси	130

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Қаюмова Д.И. Булажак тарбиячиларни инклозив таълим шароитида қасбий фаолиятга тайёрлаш технологиялари	134
Хурвалиева Т.Л., Исманова М.А. Болалар исикологиясининг умумий масалалари	139
Sultanov M.M., Saydaliyeva L.M. Boshlangich sinf oquvchilarida mustaqil fikrplash ko nikmalarini tarixiy ong va tarixiy xotira asosida rivojlantirishning pedagogik imkoniyatlari	143
Musaeva D.A. Daun sindromi bo'lgan bolalarni jismoniy reabilitatsiya qilishning asosiy usullari	148

ФИЙКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӨМ СПОРТ

Toshpo'latov A.A. O'rta-maxsus bilim yurtlarida gimnastika vositalarini mazmuni va o'tkazish xususiyatlar	154
--	-----

optimizes the student's interaction with a computer or mobile device (smartphone, tablet) thanks to network support, because through them you can open the textbook anywhere. and at any time.

ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАДРИЖИ: ЗАРУРАТ ВА ЭҲТИЁЖ ҲАМ ТАДКИК

Матиякубов К.К.

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика университети

Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: технология, технологик таълим, таълим технологияси, политехник таълим.

Ключевые слова: технологии, технологическое образование, образовательные технологии, политехническое образование.

Key words: technologies, technological education, educational technologies, polytechnic education.

Кириш. Собиқ Иттифоқ республикаларида 1950 йилларда кузатилган фантехника тараққиёти умумий ўрга таълим мактабларида политехник таълимни жорий қилиш заруринини келтириб чиқарди. Шундан келиб чиқсан холда, ўн йиллик умумий ўрга таълим мактабларида политехник таълимни ўқув режага киритиш ва худди шу йўналишдаги мактабларни ташкил қилишга қарор қилинди. Бу эса олий педагогик таълим муассасалари олдига ушибу мактабларда умумтехника ва меҳнат фанларидан дарс берадиган юкори малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлашни асосий вазифалардан бири қилиб кўйди. Бу вазифани амалга ошириш учун 1957 йил Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида “Физика ва ишлаб чиқариш асослари” ўқитувчисини тайёрлаб бериш учун моддий техника базани яратишга киришилди. 1957-1959 йилларда, “Физика” факултети қопида машинасозлик технологияси лабораторияси, автогратор ўқув хонаси, металларга ишлов бериш ва дурадгорлик устахоналари ташкил қилинди. [7]

Адабиётлар таҳлили ва методология. Мазкур таълим йўналиши ривожига Г.Абдурашидов, Д.Н.Ганиев, С.А.Ходжаев, М.Т.Тоирходжаев, У.Н.Нипоналиев, А.Й.Юлдашев, А.И.Воробёв, М.С.Яхяев, А.Р.Расулмуҳамедов, Б.Хусанов, Н.А.Муслимов, А.И.Авазбаев, В.Н.Сатторов, Й.У.Исмадијоров каби олимлар ўз хиссасини кўшишган.

Шунингдек, замонавий технологик таълимни ривожлантириш йулида юртимиз олимларидан таянч педагогика олий таълимидаги У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, У.П.Бегимкулов, У.Қ.Толипов, С.С.Булатов, Ш.К.Муродов, Б.К.Мухамедсаидов, Р.Г.Исянов, П.О.Адилов, Х.З.Исмагуллайева, Я.У.Исмадијоров, Д.У.Ергашев, Р.Г.Муллаҳметов, С.А.Болтабаев, С.Абдирасилов, О.А.Куйсинов, Г.М.Анорқулова, О.И.Авазбаев, С.И.Ахмадалиев, С.А.Алибеков, Л.М.Набиулина, А.О.Ахирбаев, Р.Ш.Халилов, А.Н.Валиев, М.К.Халимов, В.А.Чурсина, Д.Н.Маматов, Ҳ.Ш.Қодиров, Ш.С.Абдурайимов, А.И.Усмонов, Р.С.Шермуҳамедов ва бошқалар ўз хиссаларини кўшип келмоқдалар.

Умумий ўрга таълимнинг бир қатор таълим стандартлари ва дастурлари қайта кўриб чиқилиши ва амалиётта жорий этилишига қарамай, масалан МДХ, мамлакатларининг айрим мактабларида технологик таълимнинг мазмунидаги сезиларли ўзгаришлар кузатилмади: у ҳали ҳам иқтисодиётнинг талаблари ва воқеалитига мувофиқ амалга оширилмоқда. Технологик таълимнинг эскирган воситалари, жум-

ладан, устахоналар ва лабораторияларнинг моддий-техник базаси энг муҳими технология дарслари ва синфдан ташқари машгулотларда ўқувчиларга долзарб иштаб чиқариши, технологик ва конструкторлик ҳамда тадқиқот муаммоларини тўлиқ ҳал қилишга имкон бермайди, гарчи бундай уринишлар бўлса-да баъзи мақтабларда, қўшимча таълим марказларида, ёшлар инновацион ижодиёт марказларида ва болалар технопаркларида амалга оширилмоқда.

Мактаб ўқувчиларига технологик таълимни ривожлантиришнинг асосий муаммоси - бу шахснинг технологик маданияти даражасига сезиларли даражада ортиб бораётган талабларни қўшган ҳолда янги технологик тартибининг вазифаларига жавоб берадиган мазмунни ва воситаларини топишдан иборат.

АҚШдаги касбий таълимнинг ривожланиши XX аср бошларида содир бўлган буюк депрессия даврида кузатилди. Бу пайтларда қишлоқ ҳўжалиги уччалик даромади соҳа эмас эди ва саноатни ривожлантиришдан сармоядорлар анча манафаатдор эди. Айни шу пайтларда мамлакатда фабрикаларнинг ишчиларга бўлган эҳтиёжи ортиб кетди. Натижада, иш жойларининг болалар хисобига қондирилиши кучайди ва бу ҳолат Кўпима Штатларда 1916 йилда болалар меҳнати түгрисидаги биринчи қонунини қабул қилинishi билан якунланди. Шундай қилиб, заводларга малакали ишчиларни топишга ёрдам бериши мақсадида АҚШ ўрга мактаблари технологик таълим дастурларини тасклиф кила бошлидилар.

1917 йилда Smit-Xuyuz қонуни АҚШ мактабларида касбий таълим дастурларини федерал молиялаштиришга руҳсат берувчи биринчи қонун сифатида имзоланди. У технологик таълимни сантехниклар, механиклар ва завод ишчилари каби ўз иштарини бажариш учун бакалавр даражасига муҳтож булмаган бўлажак мутахассислар учун макбул таълим сифатида белгилади. Улар ўрга мактаблар билан боғлик йўналирилган касбий дастурларда ўқишини якунладилар.

Технологик таълим структураси МДҲ мамлакатларида 1980-йилларда шаклланди. Ўтган асрнинг сиёсатида кузатилган политехника тамойили В.С.Леднев, П.Р.Атуров, В.А.Поляков ва бошқаларнинг асарларида багафсил тавсифланган ва таҳлил қилинган. Уларда политехника таълимнинг асосий таркибий қисмлари сифатида кўйидагилар куриб чиқилган:

- технологиянинг умумий таълим урганишни белгиловчи инструментал (техник) компоненти;
- технологияни урганишни белгиловчи оператив ва процессуал (технологик) компонент;
- мактаб ўқувчиларининг келажакдаги касбининг ўзига хос хусусиятларидан қатъи назар, энг кенг тарқалган фаолият турлари соҳасида техник ва технологик тайёргарлик.

Тадқиқотларимиз мактаб ўқувчиларининг технологик таълими мазмунида санаб ўтилган компонентлар асосида тўртта йўналиши мавжудлигини кўрсатди:

техник меҳнат;

хизмат курсатиши меҳнати;

қиплоқ ҳўжалиги меҳнати;

чизиш.

Хозиргача “Технология” фанини ўрганишнинг умумий модуллари уй маданияти, оила иқтисодиёти, тадбиркорлик асослари ва лойихалаш усули бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Мақолада анализ, синтез, адабиётлар таҳлили, қиёсий таққослаш, солиштириш методларидан фойдаланилди.

Натижалар ва мұхокама. Технологик таълим бүйічә үқув материалининг мураккаблғығы ва ҳал қилиниши керак булған вазифалар турлари мөхнат обьектарига құйиладыган талабларнинг үзгариши (қисмлар сони, қайта ишлаш шакли ва сифаты, маҳсулотның үйгіп хусусиятлары) асосида жоғары көзделуден турады. Шунингдегі, технологик жараёнларга материалларни қайта ишлешининг күлдә ишлов беріши усулдардан электрлаштырылған, машина ва автоматлаштырылған усулдарға үтилді.

Тегишли моддий-техник таъминотнинг іске қосылғанда, үқув дастурларининг аньянавий турларни чуқур үрганишта үйнелтирилген орталықтардың қолданылуынан, үрганилаёттан технологиялар ассортиментини ва жиһозларнинг замонавий моделларини көнгайтириши орқали технологик таълим мазмунини янгилап сүнгі пайтларда деярли имконсиз бўлиб қолди. Энделикда үқув материалларини үқитиш мазмунига ва мавжуд дарсликларга интеграция қилиш лозим. Технологик таълим мазмунининг ягона янги таркибий қисми (мехнатта үқитиш билан солиштирганды) муаммони комплекс ҳал қилишни ва турил хил илмий битимлардан олинган билимларга асосланған моддий (баъзан ахборот) маҳсулот яратишни ўз ичига олган үқув ва ижодий лойхаларни амалта оширипдан ибораг.

В.А.Калней, Д.А.Махотин, Е.Г.Ряхимоватарнинг тадқиқотлари шунун курсатадики, мактабнинг технологик таълимими истроқ қилиш даврлари янги технологик режимларнинг биринчи ўн йылларига түгри келади.

Технология (грекча: “techno” — хунар, уста ва “logos” — фан, таълим) илмий-практика асосида хом-ашёни тайёр маҳсулотта айлантиришнинг усуллари маъносини англатади.

Технология саноат, курилиш, транспорт, қишлоқ хұжалиғи ва бошқа соҳаларда маҳсулотлар олиш, уларга ишлов беріши ва уларнан қайта ишлеши усуллари тартибга солинган тизимдір. Шу усулларни ишлаб чиқыши, жорий қилиш ва такомиллаштыриши билан шугулланадыган фаннинг номи ҳам технология атамаси билан юритилади. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос технологияси бўлади: кон ишлари технологияси, машинасозлик технологияси, курилиш технологияси, қишлоқ хұжалиғи ва бошқалар.

Умумий саноат жараёнининг бир қисми ҳисобланувчи ишлаб чиқарип, ташинп, сақлашп, назорат қилип ҳақидаги иш-харакатлар ҳам технология деб аталади. Ҳозирги вақтда технология қуйидагиларга булинади:

- олдинги қатордаги технология;
- қолдиқсиз технология;
- ишлаб чиқарип ва қайта ишлеши технологияси;
- ҳалқаро стандартта мес технология.[2]

Технологик таълим билан таълим технологиясини аралаштырmaslik керак. Таълим технологияси технологияни күллашнинг тор доирасыга үйнелтирилған бўлиб, у технология таълимимининг умуман технологиядан фойдаланишиш қарама-каршилигидан фарқли үлароқ, таълим жараённанда ва ундан фойдаланишини ифодаладайди. [3]

Бугунғи кунда ракамли инқилюб янги таълим истиқболларини таклиф этмоқда. Таълим олувчилар синф ичидә бўлмасалар ҳам, онлайн тарзда үрганишлари мумкин. Технологияларнинг ривожланиши ҳозирги ва келажакдаги технологик такомиллаштыришишни бирлаштыриши ва ушбу янгилекларни ҳалқ таълими тизимига киритишининг янги ёнданцувларини ўз ичига олади. Кундалик таълимга киритилған технологиялар аралаш таълим билан янги мухит яратади. [4]

Технологик таълим - ижодий технологик фикрлар, технологик қобилиятлар мажмуси бўлиб, шахсий хусусиятларни ривожлантиришни назарда тутади ва

Үүкүвчиларнинг технологик, экологик, иқтисодий маданиятини шакллантиришга қаратылган үкитиш ва таълимнинг уоцган жараёни, ижтимоий мослашувчаник, рақобатбардошлиқ, тайёргарлик, касбий фаолиятни ўз ичига олади. Технологик таълим мазмунини амалга ошириш натижаси ўзгарувчан амалиёт билан бөгликтук мухитда фаол ва мустакил ҳаракат қилишга тайёр бўлган барқарор ва муваффакиятли ўрганувчи (ўкувчи, талаба) булиши керак.

Касбий педагогика соҳасидаги таникли мутахассис Ю.Л.Хотунцева технологик таълим технологик маданиятга эришишнинг асосий воситаси эканлигини, бу ҳар қандай ижодий фаолиятнинг универсал ва ажралмас шарти эканлигини таъкидлайди. Технологик маданият деганда, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш технологиялари ютуқларида ифодаланган ва табиат, жамият ва технологик мухит билан уйғун муносабатда булиш асосида замонавий технологик жараёнларда самарали иштирок этиш имконини берадиган инсоннинг ўзгартирувчи фаолиятининг ривожланиши даражаси тушунишни мумкин.

Технологик таълимнинг тузилиши сифатида В.Д.Симоненко технологик билимлар, кунинмалар ва технологик жиҳатдан мухим шахсий хусусиятларнинг йигиндинини куриб чиқади. Технологик билимлар трансформациян фаолият усуллари, воситалари ва усуллари ҳақидаги билимлар билан ифодаланади. Технология мактабнинг асосий амалиётта йўналтирилган ўкув предмети бўлиб, маҳсулотларни лойихалаш, куриш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги фан асосларига оид билимларни амалиётда қўллаш ва ижодий фойдаланиши имконини беради. Бу ўкувчиларнинг умумий таълимдан технологик таълимга ўтишининг узлуксизлигини, узлуксиз ўз-ўзини тарбиялаш ва меҳнат фаолиятини таъминлайди.

Ўкувчиларнинг қизиқиши ва майларини, таълим муассасаларининг имкониятларини ва маҳаллий ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олиш мақсадида 5-9-синфларда технология бўйича асосий таълим дастурлари мазмуни учта йуналишдан бири доирасида олиб борилиши мақсадга мувофиқ: “Саноат технологиялари”, “Ўй хўжалиги технологиялари” ва “Қишлоқ хўжалиги технологиялари”.

Замонавий ва истиқболли технологияларни ўрганиш шунни курсадики, уларнинг мазмунига технология бўйича таълим дастурларини киритиш асосида жараён жадаллапади. Бунинг натижасида технология таълимида куйидаги йуналишлар ажralиб чиқади:

- 1) янги материалларни яратиш технологияси (биопластика, углерод толаси, генетик модификацияланган маҳсулотлар ва бошқалар);
- 2) материалларни ўзгартириши (нанотехнологиялар, лазер технологиялари);
- 3) энергия тежовочи технологиялар, мұқобил энергия, биёқилиғи;
- 4) ахборот технологиялари (компьютер технологиялари, робототехника, ақлли уйлар, глонасс ва бошқалар);
- 5) транспорт технологиялари;
- 6) барқарор ривожланиши технологиялари (материалларни тежаш, чиқиндишларни қайта ишланиш).

Одамларнинг технологик фаолиятининг умумий тамойилларини, технологик тизимлар тузилишини, лойихалаш тамойилларини ва ижодий фаолият қонуниятларини ўрганиш ўкув предмети сифатида технологиянинг зарур илмий даражасини таъминланши имконини беради. [5]

Аҳолининг ривожланмаган технологик компетенциялари ва бу соҳаларни яхши ўқийдиган мактаб ўкувчилари ва талабаларнинг амалий фаолият даражасининг пастлиги мактаб ўкув дастурининг туб технологик ўзгаришлардан орқада қолиши

билин изохланади. Күргина мактабларда технология дарслари ўнлаб йиллар давомида ўзгартмади. Күншими таълимда болаларнинг атиги 7 фойзи технологияга йўналирилган дастурларда қатнашади. Технологик таълим тизими таклиф этаётган технологик компетенциялар хозирги меҳнат бозори талабларига (ҳатто минтақавий даражада ҳам) жавоб бермайди. Технологик таълим мактаблари ва олий ўкув юртларида технологик таълим форматлари ҳам эскирган: узоқ, мослашувчан бўлмаган дастурлар тез ўзгарувчан технологияларга мос келмайди.

Технология таълими - бу профессионал ташкилотга, яъни Халқаро Технология Таълими Ассоциациясига (ITEA) тааллукли бўлган таълим соҳаси бўлиб, у учун ITEAning “Барча америкаликлар учун технология” лойиҳаси (TfAAP) доирасида технологик саводхонлик стандартлари тўплами ишлаб чиқилди. Унга кўра технологик саводхонлик кўйидаги мазмунни ифодалайди:

- технология ёки технологик тадқиқотларни ўрганиш;
- технология таълими технологияни контентнинг таълим соҳаси сифатида ўргатади.
- Технология таълими технологиянинг кенг спектри билан шутулланади, яъни инсоннинг идрок этилган эҳтиёжларини қондириши учун табий мухитни ҳар кандай янгилик, ўзgartириш ёки модификация қилиши тушунилади.

ХУЛОСА. Умуний ўрга таълимнинг таълим стандартлари ва дастурларида технологик таълимини ўқитишининг янги мазмунини жорий этиши учун қўйидагилар амалга оширилиши зарур:

биринчидан, ўкувчилар томонидан универсал фаолиятни ўзлаштириш, бундай мазмунни танлаши мезонларини ишлаб чиқиш ва фундаментал тушунчалар ва кетма-кетлик асосида ўкув материалини куриш тамойиллари, тартиби ва мантигини тавсифлаш зарур;

иккинчидан, технологик тайёргарликни амалга ошириш воситаларини танлаши ва улардан энг мақбулини аниқлаш қерак;

учинчидан, ўкувчиларнинг дарс ва дарсдан ташкари машгулотлар жараённида замонавий услуб ва технологиялардан фойдаланиш бўйича ўқитувчилар учун услубий курсатмалар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Kichik Dugger, Uilyam E. Naik, Nitin (2001 yil sentyabr). «Teknologik ta'lim va ta'lif texnologiyalari o'rtaqidagi noto'g'ri tushunchalarini aniqlashtirish». Texnologiya o'qituvchisi. 61 (1): 31–35.
2. «Ta'lif texnologiyalaridan foydalishning hozirgi holati | Pearson blogi». AQSH. 2015-12-10. Olingan 2018-07-03.
3. Кутумова А.А., Алексеевна А.К., Злыгостев А.В. Технологическое образование в двухуровневой системе подготовки педагогических кадров // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 9-2. – С. 414-417;URL: <https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=34864> (дата обращения: 06.05.2022).
4. U.S. Department of Education, Office of Educational Technology. (2016) Future ready learning: reimaging the role of technology in education. Retrieved from <https://tech.ed.gov/netp/>
5. Lerner, C. & Barr, R. (2014) Screen sense: setting the record straight: research-based guidelines for screen use for children under 3 years old. Zero to Three, page 2. Retrieved from <https://www.zerotothree.org/resources/1200-screen-sense-full-white-paper>
6. <https://new.tdpu.uz/fakultet/45>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада технологик таълимнинг пайдо бўлиштага нисбатан ҳаётий зарурат, унинг дунё мамлакатлари таълимида пайдо бўлиш тарихи, ривожланиш тадрижи ёртилган. Шунингдек, технологик таълимнинг мамлакатимиз ўзлуксиз таълим тизимидағи ўрни, аҳамияти ва ривожланиш тенденциялари таҳлил килинган. Технологик таълимнинг устувор йўналишлари аниқлаштирилган.

Dasturlashtirilgan o‘qitishning tavsiya etilgan metodi, algoritmkı tipidagi mashqlar bo‘yicha tuzilgan, nafaqat muvafaqiyatlı dastur mashqlarini o‘zlashtirishga, balki jismoniy sifatlarni rivojlantirishga ham yordam berdi.

5 jadval

**Gimnastik ko‘pkurash turlari bo‘yicha asosiy guruh
o‘quvchilarining tayyorgarlik darajasini baholash.**

Nº	Dastur mashqlari	Bajarishni baholash
I	Tayanch sakrash	
	1. Eniga, oyoqlarni bükib, kozyoldan sakrash	8.5 ± 1.7
	2. YOn bilan 90° burilib, eniga otdan sakrash	7.7 ± 2.3
	3. YOn bilan otdan eniga sakrash	7.6 ± 0.95
	4. Oyoqlarni kerib, uzmanisiga otdan sakrash	5.2 ± 1.2
II	5. Qiya yugurgan xolda biri bilan siltanib, ikkinchisi bilan itarilib, burchakdan otdan sakrash	6.7 ± 0.9
	X ±δ	7.14 ± 1.41
III	Akrobatika	
	1. Orqa bilan stoyka qilib, umbaloq oshish	7.1 ± 1.5
	2. Oyoqlarni bükib, boshda turish	8.4 ± 2.1
	3. YArimshpagatda orqaga umbaloq oshish	7.7 ± 2.1
	4. Orqaga umbaloq oshish, taqalib, oyoqlarni kerib	7.3 ± 1.1
	5. Uzun umbaloq oshish	6.7 ± 1.0
	6. Boshda turish	7.9 ± 1.5
	«Most» va aylana bilan burilish taqalib, bitta tiżəada turib	5.9 ± 0.71
	8. Tagalib cho kkalab kuch bilan boshda turish	7.1 ± 1.3
	9. Uch qadam yugurishdan sakrab umbaloq oshish	5.7 ± 1.4
	10. Bittada muvozanat, oldinga tsarilib, oldinga dumalash	4.9 ± 0.67
	90 sm balandlikdagi to’sigdan sakrab dumalash	8.1 ± 1.7
	12. Bir qo’l bilan siltanib, ikkinchisi bilan itarilib, stoykaga turish	4.9 ± 1.7
	13. YOn tomonga qayta aylanish	5.1 ± 1.2
IV	14. Stoyka orqali dumalash, qo’llar yordamida	4.9 ± 0.97
	15. Orqaga umbaloq oshish	6.5 ± 0.83
	X ±δ	6.55 ± 1.74
	Osilish va taqalishlar-o‘g'il bolalar	
	1. Bittasi bilan silkinib, ikkinchisi bilan itarilib, aylanib ko’tarilish	7.2 ± 1.7
III	2. Tagalib bilakda siltanish	6.4 ± 1.4
	3. Tagalib siltanish	4.9 ± 1.4
	4. Ikkalasi bilan itarilib aylanib ko’tarilish	6.8 ± 1.1
	5. Tagalib siltanishdan, orqaga sakrash	5.4 ± 0.67
	6. Bittada osilib, ko’tarimasdan bittada taqalib, oyoqlarni kerish (tepadan taqalish)	7.6 ± 1.4
	7. Osilgan holatda, taqalib kuch bilan aylanib ko’tarishish. va sekin osilgan holatda tushish	8.3 ± 1.7
	8. Osilgan holatda, taqalib kuch bilan ko’tarilish	7.2 ± 1.5
	9. Taqalib oyoqlarni kerib, o’ng (chap)bilan aylanish, taqalib oldingga chap (o’ng) bilan silkinish	8.3 ± 1.7
	X ±δ	6.9 ± 1.39
IV	Ritmik gimnastika - qızlar	7.2 ± 1.7

Asosiy gimnastika vositalaridan tuzilgan va tavsiya etilgan dasturning yuqori effektivligini ko'rsatdi (5-jadval). Nazariy asoslangan va asosiy gimnastika mashqlarining amalda o'zlashtirilgan darajasi, asosiy guruhdagi o'quvchilarda, nazorat guruhidagilarning ko'rsatkichlaridan ishonarli yuqori: saf mashqlari bo'yicha 32% ga, umumrivojlantiruvchi 37% ga va amaliy mashqlarga 38%. Bir vaqtning o'zida, asosiy guruh talabalari sakrash, akrobatika, osilish bo'yicha, dasturdagi talablarni o'zlashtirdilar, 4,5-7,5 ball orasida (baholari 3-4 atrofida), nazorat guruhlarida dasturning berilgan bo'limi, doimiy ravishda o'yin yoki boshqa predmetlar bilan almashtirildi, jismoniy tarbiyaga ta'luqli bo'limgan.

Adabiyotlar:

1. Efimenko A.I., Yo'ldoshev K.K., Umarov M.N. Gimnastika darsining samaradorligini oshirish usullari. (Metodik qo'llanma). T.: 1995. -102 b.
2. Eshtayev A.K. Sport gimnastikasi mashg'ulotining nazariy asoslari. Uslubiy qo'llanma. T.: O'DJTI nashriyot-matbaa bo'limi, 2009. -113 b.
3. Musaev B.R. Oliy pedagogik ta'lim muassasalari talabalarining gimnastika bo'yicha kasbiy-pedagogik ko'nikmalarini shakllantirish. Pedagogik fannomzodidiss.-Tashkent: UzGIFK, 2011. - 177 b..
4. Umarov M.N., Eshtayev A.K. Programmnye trebovaniya gimnastiki i texnologiya ix raspredeleniya po godam obucheniya //Metodicheskoe posobie. - T.: Izdatelsko-poligraficheskiy otdel UzGIFK, 2009. - 124 s
5. Umarov M.N., Ishtayev D.R. Kasbiy-pedagogik bilim va ko'nikmalarini gimnastika darsida shakllantirish. O'quv-uslubiy qo'llanma. T.: O'DJTI nashriyot-matbaa bo'limi, 2010.-107 b.
6. Umarov M.N. Gimnastika. O'quv qo'llanma. T.: 2015. –400 b.

РЕЗЮМЕ

Ishda ko'rilgan asosiy masalalar maxsus kasb-xunar kolledjlerida gimnastika mashg'ulotlarining maqsadi va ketma-ketligini tekshirish va tashkil qilish jismoniy tarbiya faoliyati uchun muhim bo'lgan didaktik tamoyillarni amalga oshirishiga urg'u berilganlari: yahlitlik, optimallik, o'qitishning kasbiy-pedagogik yo'naltirilganligi.

РЕЗЮМЕ

Основными вопросами, рассматриваемыми в исследовании, являются реализация важных для целей физкультурной деятельности дидактических принципов: целостность и оптимальность, профессионально-педагогическая направленность обучения.

SUMMARY

The main issues considered in the study are the implementation of didactic principles that are important for the purpose of physical education activities: the integrity and optimality, professional and pedagogical orientation of teaching.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қаракалпақстан филиалы

**«МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИҮ» № 5/3**
Нөкис — 2022

Басып шығыўға жуўапкер:

A. Тилегенов

Баспаға таярлаған:

A. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 10.10.2022. Форматы 60x84^{1/16}.
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.

Шәртли б.т. Нашр. т. Нұсқасы 2000. Бұйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., X, Бойкаро, 51